

**КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК  
ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ АВЛОДНИ КАСБИЙ ТАРБИЯЛАШ.**

Усанов Абдулҳаким Эшонқулович

Термиз муҳандислик-технология институти

*Транспорт муҳандислиги ва логистикаси кафедраси, ассистент*

[ausanov578@gmail.com](mailto:ausanov578@gmail.com)

Баракаев Фазлиддин Исматович

Термиз муҳандислик-технология институти

*Транспорт муҳандислиги ва логистикаси кафедраси, ассистент*

[ismatovichfazliddin28@gmail.com](mailto:ismatovichfazliddin28@gmail.com)

**АННОТАЦИЯ:** Касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг техник ижодкорлиги жаҳон миқёсида тан олинган энг илғор методлар ва йўналишлар билан бойиб бормоқда. Бугунги кунда ўзининг кенг тадбиқини кутиб ётган, фаннинг бошқа соҳалари билан боғлиқ равиша ишлаб чиқилган янги концепциялар ва назариялар ривожлантирилмоқда. Техник ижодкорлик кўп соҳаларда ривожланиб бораётган умумий педагогиканинг бир бўғини сифатида касбий-техник таълимнинг ривожланиши билан ўзаро уйғунликда тараққий қилиб бормоқда.

**КАЛИТ СЎЗЛАРИ:** Ижодкорлик, педагогик технология, техник ижодкорлик, тўгарак, таълим, ривожлантириш.

Ҳар қандай жамиятнинг равнақи, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий барқарорлиги унинг фуқароларининг ақлий ва аҳлоқий салоҳиятини юксак даражада ривожланганлигига боғлиқ. Зеро, жамиятимизнинг маънавий янгиланишида, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик хуқуқий давлат қуриш кадрлар тайёрлашнинг миллий масаласи устувор мезон сифатида муҳим роль ўйнайди. Касб-хунар таълими ўқув юртлари ўқувчиларининг таълими, тарбияси, ўқиши ҳамда ривожланиш қонуниятларини ўрганади, таълим ва тарбия, педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш мезонларини ишлаб чиқади, касб таълими муассасалари турларини ва уларни бошқариш тизимиши асослайди. У педагогик назариялар тўғрисидаги билимларни, инновацион технологияларни лойиҳалаш услубларини умумлаштиради.

Янги авлодни касбий тарбиялаш, малакали ишчи кучини янги талаблар даражасига мослаб боришни кўзда тутади. Касб таълим педагогикаси жаҳон миқёсида тан олинган энг илғор методлар ва йўналишлар билан бойиб бормоқда. Бошқа соҳалари билан боғлиқ равиша ишлаб чиқилган янги концепциялар ва назариялар ривожлантирилмоқда.

Касб таълим педагогикаси умумий педагогика фанининг тармоғи сифатида касбий - техник таълим тизимининг такомиллашиш жараёнида шаклланиб боради. У нисбатан янги фан соҳаси саналиб, бугунги кунда кўплаб тушунчалари шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Ҳар қандай фан соҳасида бўлгани каби касбий таълим педагогикаси ўз категориялари ва тушунчаларига, сифат кўрсаткичларига эгаки, булар фаннинг асосини ташкил қиласди.

Касб таълими узоқ даврлар мобайнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга йўналтирилиб борилди, бироқ ушбу тадбир битирувчиларнинг касбий маҳоратини шаклланиш даражасини пасайиши ҳисобига амалга оширилди. Бу ҳолат касбий маҳоратни ва лаёқатни ошириш, инсоннинг бутун умри давомида ўз билимини такомиллаштириб бориш ва ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжини оширишга хизмат қилмас эди. Республикализ таълим тизимидағи ислоҳатлар натижасида касбий таълим ишчи касбларига маҳсус тайёрлаш масаласига, таълим олувчи шахсида касбий маҳорат ва лаёқат



Lobachevsky  
University



МФТИ

сифатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Касб маҳорати дейилгандан битирувчининг юқори даражадаги касбий кўнікма ва малакаларни эгаллаганлиги тушунилади, у шахснинг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатбардошлиқ даражасида ўз аксини топади. Касбий маҳорат ишчи кучларининг юқори даражада мослашувчанлигини ва янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитларига оз вақт ичида ўта олиши, фаолият соҳасини мустақил танлай олиши каби сифатлар билан белгиланади.

Касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг асосий тушунчалари, мазмуни касбий таълимнинг турли тизимларида қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин: “Касбий педагогика” жаҳон миқёсида тан олинган энг илғор методлар ва йўналишлар билан бойиб бормоқда. Бугунги кунда ўзининг кенг тадбиқини кутиб ётган, фаннинг бошқа соҳалари билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган янги концепциялар ва назариялар ривожлантирилмоқда.

Касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини ривожлантиришнинг замонавий педагогик методлардан фойдаланиб, лойиҳа ва ихтиrolар яратишдаги муаммоларнинг мақсадли ечими, техник ижодкорлик фаолиятининг ташкилий асослари, ихтиро, кашфиёт, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқиши, ўқувчилар техник ижодкорлиги фаолиятини бошқариш, техник ижодкорлик фаолиятини ташкил қилишда ўқувчилар техник ижодкорлигини ривожлантириш методлари ёритиб берилган.

Хозирги кунда Касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг техник-технология ва дизайн фанини ўқитишида замонавий методларга асосланиб, ўқувчиларда техник ижодкорликни ривожлантириш ва уларни мустақил фикрлаш, мустақил ишлашларига замин яратиш муҳим ва долзарб вазифаралардан бири ҳисобланиб келмоқда.

Шундай экан техник ижодкорликни ўқувчиларга ўргатишнинг энг содда ва замонавий усусларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг ижодий, техник ривожлантириш самарадорлигини ошириш, робототехника ва электроника, қўл меҳнатига таянган ҳолда уларнинг ижодкорлигини ривожлатириш малакали педагогнинг тажрибасига боғлиқдир. Таълим жараёнида янги инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсларни мазмунли ўтказиши, дарс якунида ижобий томонга самарали ўзгаришлар натижасига эришилгандагина ўқувчиларни техник ижодкорлиги оширилади.

Касб-хунар таълими ижодкорлигига, янги ечимларни мустақил ишлаб чиқиши, тайёрлайдиган предмет ёки обьектни расмийлаштиришгач бўлган даврни амалга ошириш, иш жараёнларининг муҳимлигини ҳис қилиши, муракқаблиги даражасига кўра тегдошлари орасида бошлаган ишининг аҳамияти эътиборда эканлигини сингдиришимиз керак. Бу борада танлаган ихтиро ёки лойиҳа ўз ўрнида энг катта қийинчиликларга яъни фанларга боғлиқлик даражасига кўра физика, математика, чизмачилик, биология фанларига боғлиқлигини ўқувчиларга оддийдан мураккабга қараб интилишларига кўмаклашимиз зарур.

Шундагина ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишилари орқали таълим жараёнида уларнинг техник ижодкорликларини юзага чиқара оламиз. Мактаб ўқувчиларида яратувчанлик ва ихтиrolар учун техник ижодкорликни ривожлантирища мактабларда ўтиладиган аниқ фанлардан берилаётган билим ва кўнікмаларни ривожлантириш, ўқувчиларнинг қизиқишиларини орттириш, малакали ўқитувчиларга боғлиқлиги билан асосланади. Шу асосда техник ижодкорлик ғояларини амалга оширишнинг ўқувчилардаги фикрлаш фаолиятини қуйидагича асослаш мумкин яъни, ўқувчининг фикрлаш



LOBACHEVSKY  
UNIVERSITY



N

\*



НЭТИ



фаолиятининг муҳим хусусиятидан бири, бу мавжуд муаммони англаши, идрок қилиши, ечимини топишга эҳтиёж сезиши ҳамда ўқувчининг билим ва тажрибаси қанчалик қўп бўлса қисқа давр ичидаги муаммони ечимини топишга интилишидир.

Касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг дунёқараши кенглиги билан қидираётган ечимнинг ўз теранлиги билан муаммонинг ечимини таҳлил қилиши, ўқувчи томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо ва танланган ечим ўзаро боғланади ва техник ечим таклиф қилинади. У техник ривожлантиришда ихтирони амалга оширишнинг энг масъулиятли даври бўлиб, муваффақиятли амалга оширишни таклиф этаётган ғоянинг ижтимоий баҳосини шакллантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Техник ривожлантиришда лойихага асосан таклиф этилаётган ечимни асослаш учун ҳисоблаш ва тажриба –синов ишлари бажарилиб, техник ечимини ишлаб чиқишининг даврларига асосан амалга оширилган ишларнинг натижаси амалий исботлаб берилади. Хар бир босқичнинг натижалиги ўқувчиларда техник фикрлаш, техник-ижодкорлик кўникума ва малакаларини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Техник ижодкорликни ривожлантиришнинг амалда қўлланилган бир нечта методларининг афзалликлари ва камчиликлари, ҳозирда қандай методдан фойдаланиш самара беришини кўриб чиқиш мумкин.

Техник масалаларни ечишда қўп хатоликларга йўл қўйганлар ва бу хатоликларни ечиш учун жуда қўп вақт сарфлаганлар, яъни ҳар бир техник масалани ечишда ихтирочи ишни янгидан бошлашга мажбур бўлган. Бу метод қўп вақт ва меҳнатни талаб этади.

Бундан кўриниб турибдики, техник ривожлантиришда илмий-техник тараққиётнинг жадал ривожланиб боришида улкан ғояли, катта натижа ва самарага эришадиган методлардан фойданиш мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин тажрибалар шуни кўрсатадики техник масалаларни ечишда фойдаланиладиган барча методлар элементлари маълум даражада ишлатилади.

Олимларнинг фикрича ижодий фаолият техник ривожлантириш бу аниқ қонуниятга асосланган бўлиб, техник ижодий масалаларни ечишга замин яратади.

Бу методлардан фойдаланиш жуда енгил, лекин қўлланилаётган объектнинг моҳиятига боғланмаган.

Шундай техник ижодкорлик масалаларини ечиш фақат қашфиётга ундумасдан балки ўқувчиларни техникага ўргатиш билан ҳам тафаккурни ривожлантиради.

Техник ижодкорликни ривожлантиришдаги масалаларни танлаши, техника бўйича таълимни такомиллаштиришга, ёшларга билим беришда асосий восита ҳисобланади. Бундан ташқари у ёки бу типдаги масалаларни ечиш билан техник тушунчаларни етказиш ривожланиб бормоқда.

Техникавий масалаларнинг биринчи ва иккинчиси, ўқувчиларнинг қизиқишини оширишdir. Техник ижодкорликни ривожлантириш босқичлари ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Буларнинг ҳаммаси Касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг шахсида ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга қаратилган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А. Жомий «Танланган асарлар» Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. 196 б.
2. Асатрян А.Т. Развитие творческих способностей школьников в куржах станции юных техников. М.,1987. 18 с.
3. Андрианов П.Н. Мактаб ўқувчилари техник ижодкорлиги. Тузувчи: П.Н. Андрианов Т., Ўқитувчи» 1989 128 б.



LOBACHEVSKY  
UNIVERSITY



Новосибирский  
государственный  
технический  
университет  
**НЕСТИ**



4. Алексеев В.Е. Ўсмирларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -88 б.
5. Алимов Н., Тогаев Х., Турматов Ж. Ўқувчиларни техник ижодкорлик фаолиятига раҳбарлик қилиш // Касб-хунар таълими. -Т.: 2004. -№ 3. –Б. 26-27.



LOBACHEVSKY  
UNIVERSITY

**N**\* Новосибирский  
государственный  
университет  
**НАСТОЯЩАЯ НАУКА**

Новосибирский  
государственный  
технический университет  
**НЭТИ**

**МФТИ**